


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАИҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

*Пирматов Н. Б., Мустафакулова Г. Н., Маҳмадиев Ф. М.*

**«ЭЛЕКТР МАШИНАЛАРИ» курсидан  
«АСИНХРОН МОТОРЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ»**

## **ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**



**Тошкент 2013**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

«ЭЛЕКТР МАШИНАЛАРИ» КУРСИДАН  
«АСИНХРОН МОТОРЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ»

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Пирматов Нурали Бердиярович  
Мустафакулова Гулзода Наркабиловна  
Махмадиев Ғиёсиддин Мелимуродович

Мазкур қўлланма 5310700 – «Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялар», 5310200 – «Электр энергетика» йўналишларининг ҳамда шу йўналишларидаги 5111046– «Касбий таълим» бўйича талабалар учун мулжалланган.



Ушбу ўқув қўлланма «Электр машиналари» курси бўйича қисқа тугашган ва фаза роторли асинхрон моторларни лойиҳалаш учун мўлжалланган. Лойиҳа асинхрон моторларнинг асосий ўлчамларини, статор чулғами пазлари, ўрамлари сонини, кесим юзасини, статор тишлари ўлчамларини, ҳаво оралигини, ротор параметрларини аниқлаш, магнитловчи токни, иш режими параметрларини, мотордаги исрофларни, иш ва ишга тушириш характеристикаларини ҳамда иссиқлик ҳисобларини бажаришни ўз ичига олган.

Учебное пособие рекомендовано по курсу «Электрические машины»  
для проектирования асинхронных двигателей  
с коротко замкнутым и с фазным ротором

Выбирается главные размеры и расчет обмотки статора, расчет размеров обмотки статора, расчет размеров зубцовой зоны статора, выбирается воздушный зазор, рассчитывается ротор, сердечник ротора, потери и кпд. расчет рабочих и пусковых характеристики и при проектирование асинхронного двигателя.

Scholastic allowance is recommended on course "Electric machines" for  
designing the anisochronous engines with short замкнутым and with фазным  
by rotor

It Is Chosen main sizes and calculation windings статора, calculation of the sizes windings статора, calculation of the sizes зубцовой zones статора, is chosen air clearance, pays the rotor, сердечник rotor, loss and кпд, calculation worker and activate features and when designing the anisochronous engine.

Тақризчилар: ТошДТУ «Электротехника, электромеханика ва  
электротехнологиялар» кафедраси  
доценти Салимов Ж.С.  
Тошкент ирригация ва мелиорация институти  
доценти Бердиев У.Т.

## Мундарижа

Кириш	6
I. Уч фазали қисқа туташган роторли асинхрон моторни лойиҳалаш	12
1.1. Асосий ўлчамларни аниқлаш	12
1.2. Статор чулғами пазлари, ўрамлари сонини ва кесим юзаларини аниқлаш	15
1.3. Статор тишлари ўлчамлари ва ҳаво оралиғини ҳисоблаш	20
1.4. Роторни ҳисоблаш	24
1.5. Магнитловчи токни ҳисоблаш	27
1.6. Иш режими параметрларини ҳисоблаш	29
1.7. Исрофларни ҳисоблаш	32
1.8. Моторнинг иш характеристикаларини ҳисоблаш	35
1.9. Моторнинг ишга тушириш характеристикаларини ҳисоблаш	42
1.10. Моторнинг иссиқлик ҳисоби	60
<i>II. Фаза роторли асинхрон моторни лойиҳалаш</i>	66
2.1. Асосий ўлчамларни аниқлаш	66
2.2. Статор чулғами пазлари, ўрамлари сонини ва кесим юзаларини аниқлаш	69
2.3. Статор тишлари ўлчамларини ҳисоблаш	71
2.4. Роторни ҳисоблаш	73
2.5. Магнитловчи токни ҳисоблаш	76
2.6. Иш режими параметрларини ҳисоблаш	78
2.7. Исрофларни ҳисоблаш	82
2.8. Моторнинг иш характеристикаларини ҳисоблаш	84
Иловалар	88
Асинхрон моторларни лойиҳалаш учун топширик вариантлари	94
Фойдаланилган адабиётлар	95

## Содержание

Введение	6
I. Проектирование асинхронного двигателя с короткозамкнутым ротором	12
1.1. Выбор главных размеров	12
1.2. Расчет размеров зубцовой зоны статора	15
1.3. Расчет размеров зубцовой зоны статора и выбор	20
1.4. Расчет ротора воздушного зазора	24
1.5. Расчет намагничивающего тока	27
1.6. Параметры рабочего режима	29
1.7. Расчет потерь	32
1.8. Расчет рабочих характеристик	35
1.9. Расчет пусковых характеристик	42
1.10. Тепловой расчет	60
II. Проектирование асинхронного двигателя с фазным ротором	66
2.1. Выбор главных размеров	66
2.2. Определения числа пазов, витков и сечение обмотки статора	69
2.3. Расчет зубцовой зоны и обмотки статора	71
2.4. Расчет ротора	73
2.5. Расчет намагничивающего тока	76
2.6. Расчет параметров рабочего режима	78
2.7. Расчет потерь	82
2.8. Расчет пусковых характеристик	84
Приложения	88
Варианты для проектирование асинхронного двигателя	94
Используемые литературы ....	95

## Contents

<b>Introduction</b>	6
<b>I. Designing the anisochronous engine with is it short closed by rotor</b>	12
1.1. Choice main sizes	12
1.2. Calculation of the sizes zubcovoy zones stator	15
1.3. Calculation of the sizes zubcovoy zones stator and choice air clearance	20
1.4. Calculation of the rotor	24
1.5. Calculation magnetizing current	27
1.6. Parameters of the operating duty	29
1.7. Calculation of the losses	32
1.8. Calculation of the operating line	35
1.9. Calculation of the activate features	42
1.10. The Heat calculation	60
<b>II. Designing the anisochronous engine with phases by rotor</b>	66
2.1. Choice main sizes	66
2.2. Determinations number slot, whorl and section windings craropa	69
2.3. Calculation zubcovoy zones and windings stator	71
2.4. Calculation of the rotor	73
2.5. Calculation magnetizing current	76
2.6. Operating duty parameter Calculation	78
2.7. Calculation of the losses	82
2.8. The Calculation of the activate features	84
Exhibits	88
Variants for designing the anisochronous engine	94
Used literature	95

Электр машиналари саноатнинг турли соҳаларида, кишлоқ хўжалигида ва маиший электротехник қурилмаларида ишлатилади. Шу сабабли ҳам электр машиналари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига албатта таъсир кўрсатади. Демак, уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва уларни ишлатиш хусусиятлари яхши бўлиши лозим.

Электр машиналарини лойиҳалаш – бу энергиянинг электромеханик ўзгартиришни тажриба билан боғлаш жараёнини иссиқлик физикаси, механика, иқтисодиёт ва ҳисоблаш техникасига оид билимларга эга бўлишни талаб қилади.

Электр машинасини лойиҳалашда машина статори ва роторининг ўлчамлари ҳисобланади, чулғам турлари, чулғам сими, изоляция, актив ва конструктив материаллар танланади.

Машинанинг айрим қисмлари шундай ҳисобланиши керакки, бунда материаллар сарфи кам, машинани ишлатишда эса унинг мустаҳкамлиги ва энергетик кўрсаткичлари юқори бўлсин.

Электр машиналарини лойиҳалаш натижасида олинган техник-иқтисодий кўрсаткичлари давлат ва соҳа стандартлари машинани бажарадиган вазифа ва ишлатиш шартларига риоя қилиш лозим. Шунинг учун ҳам машинани лойиҳалашда электротехник заводларнинг нималарга кодирлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Электр машинасини оптимал лойиҳалаш мезонларига умумий сарф-ҳаражатларнинг ва машинани ишлатишдаги ҳаражатларнинг минимум бўлиши киради. Индивидуал электр машинасини лойиҳалашда эса оптимал лойиҳалаш мезонлари буюртмачи билан келишилади.

Ушбу ўқув қўлланмада қисқа туташган ва фаза роторли асинхрон моторларни лойиҳалашга оид ҳисоб ишлари берилган. Лойиҳа асинхрон моторларнинг асосий ўлчамларини, статор чулғами пазлари, ўрамлари сонини, кесим юзасини, статор тишлари ўлчамларини, ҳаво ораллигини, ротор параметрларини аниқлаш, магнитловчи токни, иш режими параметрларини, мотордаги исрофларни, иш ва ишга тушириш

характеристикаларини ЭХМ да ҳисоблаш тартиби ҳамда иссиқлик ҳисобларини бажариш баён қилинган.

Лойиҳаланган асинхрон моторнинг кўндаланг ва бўйлама қирқимлари кўрсатилган чизмалар А1 бичимли ватман қоғозда ҳисобда кўрсатилган ўлчамлар бўйича чизилиши керак. К.1-расмда қисқа туташган роторли асинхрон моторнинг бўйлама (а) ва кўндаланг (б) қирқимлари келтирилган. Расмдаги (7) станина ва подшипник қалқони (14) чўяндап қўйилган бўлади. Ташқи вентилятор (16) ва вал (12) нинг чиқиб турган қисмига втулка (18) воситасида маҳкамланади. Вентилятор пўлатдан ясалган коплама (15) билан ёпилган. Коплама орқали ташқи ҳаво вентиляторда сўрилиб, станина қовурғалари томонга ҳайдалади. Станинага чиқиш клеммалар қутичаси (6) ўрнатилган. Статорнинг пўлат ўзаги (9) электротехник юпка пўлат пластиналаридан йиғилган бўлиб, қисқич (20) га маҳкамланган. Станинага пўлат ўзак винт (19) билан эритилган алюминийни қўйиб маҳкамланган ва унинг пазларига стаатор чулғами (15) жойлаштирилган. Роторнинг пўлат ўзаги (10) ҳам электротехник пўлатдан тайёрланади. Ротор пазларига чулғамни, шу жумладан, қисқа туташтирувчи ҳалқа (4) ҳам ҳосил қилинади. Қисқа туташтирувчи ҳалқаларнинг иккала томонидан мувозанатловчи юк (11) маҳкамланади. Болтлар (13) ёрдамида станинага подшипник қалқони маҳкамланади. Қалқон марказидаги тирқишлар, подшипниклар ташқи ҳалқалари (17, 2) ни қўйиш учун мўлжалланган. Ҳар бир подшипник иккала томондан подшипниклар қопқоқлари (3) ва (1) билан ёпилган. Кам қувватли моторларда иккита шарикли подшипник ўрнатилади. Катта қувватли моторларда эса механизм уланадиган томонига роликли, қарама-қарши томонига эса шарикли подшипник ўрнатилади. Станина фундаментга оёқлар ёрдамида маҳкамланади. Станинанинг тепасига юкни кўтариш учун илғич (8) қўйилган. Моторнинг оёқларида резбали тешик бўлиб, унга болт (23) ёрдамида заминловчи шина (ёки сим) маҳкамланади. Моторнинг ротор пази (21) ва статор пази (22) ларни бир қатламли ёки икки қатламли чулғамлилигига қараб чизмада кесим бериб кўрсатилади (К.1-расм, б чулғами бир қатламли).

К.2-расмда фаза роторли асинхрон моторнинг бўйлама қирқими кўрсатилган.

Станина (20) статор пастки ўзаги (8) нинг ярмини эгаллаган бўлиб, массив қисувчи ҳалқа (7) ёрдамида маҳкамланади. Корпус (5) иккити пўлатдан тайёрланган. Подшипник қатқонлари (13) ҳам станинанин пастки ярмига маҳкамланади, (15) ва (2) подшипниклар қопқок (1) ва (3) ларга монтаж қилинган бўлади.

Совитувчи ҳаво қалқонларининг чекка қисмидаги дарчалар (14) дан киради ва диффузор (12) ёрдамида ротор (9) даги вентилятор қаноатчалари (4) га йўналтирилади.

Бу ҳаво чулғам (6) нинг чулғамнинг паздан ташқари қисмини ва статор пўлат ўзагини совутиб, корпуснинг ён томонларидаги дарчалардан чиқиб кетади. Ғалтакларнинг паздан ташқари қисми бандаж ҳалқа (11) билан боғланади. Ротор чулғами (10) нинг чиқиб кетган қисмлари контакт ҳалқалар (16) га уланган бўлади. Контакт ҳалқалар (16) втулка (18) га ўрнатилган бўлади ва ҳамма чўтка қисми кожух (17) билан беркитилган. Кожух (17) да чўткаларни ишга тушириш реостатига улаш учун клеммалар қутиси (19) жойлашган.

Ҳозирги вақтда қисқа туташган ва фаза роторли асинхрон моторларнинг янги RA, 5A, 6A типлари ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг конструкциялари анча яхшиланган.

1992 йилдан бошлаб Россия Федерациясининг Ярослав электр машинасозлиги заводида янги RA типдаги асинхрон моторлари ишлаб чиқарила бошлади.

RA типдаги асинхрон моторнинг асосий афзалликларига халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши ва айрим қисм ва деталларнинг унификацияланганлигидир.

Айланиш ўқи 71÷132 мм бўлган RA типдаги асинхрон моторларнинг станинаси алюминийдан тайёрланади, айланиш ўқи 132 мм дан катта бўлганда эса станина чўяндан тайёрланади. Бундай моторларнинг қуввати

эса 0,37÷90 кВт гача кучланиши эса 220, 380, 660, 220/380, 380/660 В, частотаси 50 Гц, айланиш частотаси 700÷2950 айл/минга тенг бўлади.



5А (5 АН, 5 АНК) типли асинхрон мотори ҳам Россия Федерациясидати Владимир электр мотори ва Москва электромеханик заводларида ишлаб чиқарилади. Бу типдаги моторлар 4А ва АИ типдаги моторларни ишлаб чиқаришдаги кўп йиллик тажрибаларга таянган ҳолда яратилган.

5А типдаги асинхрон моторларнинг қуввати 0,37 кВт дан 132 кВт гача, кучланиши 220, 380, 660, 220/380, 380/660 В, айланиш частотаси эса 600÷2950 айл/мин бўлади.


6А типдаги асинхрон моторлар Москва электромеханик заводида ишлаб чиқарилади.

Бу типдаги асинхрон моторларнинг айланиш ўқи 315 мм га тенг. 6А типдаги моторларнинг қуввати 90÷200 кВт, кучланиши 220, 380, 220/380, 380/660 В, айланиш частотаси эса 750÷3000 айл/мин бўлади.

Қўлланма ҳамма маълумотларни ўз ичига қамраб олаолмаган. шу сабабли татабалар лойиҳалаш жараёнида маълумотномалар, электротехник журналлар, каталоглар ва чизма атласлардан фойдаланишлари мумкин [1-3].



К.1-расм. Киска тугашган роторли асинхрон моторнинг  
 конструкцияси: а) бўйлама; б) кўндаланг қирқимлари



К.2-расм. Фаза роторли асинхрон моторнинг  
бўйлама қирқими




1.2 - жадвал.  $K_D$  коэффициентини  $2p$  га боғлиқлиги

$2p$	2	4	6	8 - 12
$K_D$	0,52 - 0,57	0,64 - 0,68	0,6 - 0,72	0,74 - 0,77

3. Кутб бўлими:

$$\tau = \pi \cdot \frac{D}{2p} = 3,14 \cdot \frac{0,145}{4} = 0,114 \text{ м.}$$



1.1-расм. Қувватлари ва айланиш частоталари хар хил бўлган асинхрон моторлар айланиш ўқинини батандлиги  $h$


4. Моторнинг ҳисобий қуввати [В·А]

$$P' = P \cdot \frac{k_f}{\eta \cos \phi} = 7,5 \cdot 10^3 \cdot \frac{0,92}{0,875 \cdot 0,86} = 9169,4 \text{ В·А,}$$

бунда  $k_f$  – номинал кучланиш ва ЭЮК нисбати билан аниқланадиган коэффициент бўлиб 1.2-расмдан,  $\eta$  ва  $\cos \phi$  ларни 1.3-расмдан олинади.


5. Электромагнит юклама  $A$  ва ҳаво оралиғидаги магнит индукция  $B_\delta$  ларнинг тахминий қийматини 1.4-расмдан аниқлаймиз:  $A = 25,2 \cdot 10^3 \text{ А/м;}$   
 $B_\delta = 0,9 \text{ Тл.}$

6. Бир қатламли чулғам учун чулғам коэффициентининг тахминий қиймати:  $k_{q1} = 0,96$ .



1.2 - расм. Коэффициент  $k_f$  ни аниқлаш учун чизма

Агар чулғам икки қатламли бўлиб, кутблар сони  $2p=2$  бўлганлиги  $k_{\text{н}}=0.90 \div 0.91$ ;  $2p > 2$  бўлганда эса  $k_{\text{н}}=0.9 \Gamma=0.92$  бўлади.



1.3-расм. Ташқи муҳит таъсиридан ҳимояланиш даражаси IP 44 бўлган асинхрон моторлар учун ФИК ва  $\cos\phi$  ларнинг тахминий катталиклари: а) 30 кВт гача бўлган, б) 400 кВт гача бўлган моторлар учун.

#### 7. Магнит ўтказгичнинг ҳисобий узунлиги:

$$l_{\text{с}} = \frac{P}{k_{\text{н}} D^2 \Omega_{\text{н}} \Delta B} = \frac{9169,4}{1,11 \cdot 0,145^2 \cdot 157 \cdot 0,96 \cdot 25,2 \cdot 10^3 \cdot 0,9} = 0,115 \text{ м,}$$



бу ерда  $\Omega = \frac{2\pi n}{60} = 2,3,14 \cdot \frac{1500}{60} = 157 \text{ рад/с.}$

8.  $\lambda = l_{\text{с}}/\tau$  нисбатни ҳисоблаймиз:  $\lambda = 0,115/0,114 = 1,01$


(агар бу нисбат 1.5-расмда берилган чегарада бўлса,

ҳисоблашларни давом эттирамиз. Агар  $\lambda$  берилган чегарадан кичик бўлса 1.1-жадвалдан  $D_{\text{с}}$  нинг олдинги кичик қийматини, катта бўлса кейинги катта қийматини олиб ҳисоблашларни такрорлаймиз).

$\lambda$  нинг қиймати берилган чегарада бўлгани учун ҳисоблашларни давом эттирамиз.



1.4-расм. 4А серияли химояланиш даражаси IP 44 булган асинхрон моторлар учун электромагнит юктамаларни аниқлаш учун чизмалар:  
 $a - h \leq 132$  мм;  
 $b - h = 160 \div 250$  мм гача;  
 $v - h \geq 280$  мм



1.5-расм.  $\lambda = l/\tau$  нисбатни текширишга оид


**1.2. Статор чулғами пазлари, урамлари сони ва кссим юзаларини аниқлаш**

9. Тиш бўлинимасининг чегаравий қийматларини 1.6-расмдан ва бўлиши мумкин бўлган тишлар сони оралигини аниқлаймиз:  $t_{1max} = 13$  мм ва  $t_{1min} = 12$  мм.

10. Статордаги пазлар сони:

$$Z_{1\min} = \frac{\pi D}{t_{z1\max}} = \frac{3,14 \cdot 0,145}{0,013} = 35; \quad Z_{1\max} = \frac{\pi D}{t_{z1\min}} = \frac{3,14 \cdot 0,145}{0,012} = 38.$$

Пазлар сонини 2.1-жадвалдан  $Z_{1\min}$  ва  $Z_{1\max}$  га қараб,  $Z_1=36$  деб қабул қиламиз. Тишларнинг аниқ сонини  $q$ -фаза ва кутбларга тўғри келадиган пазлар сонига қараб аниқланади, бу сон бутун бўлиши керак  $q=Z_1/(2\pi m)=36/(2 \cdot 2 \cdot 3)=3$ .



1.6-расм. Тиш бўлинмасининг чегаравий қийматларини аниқлашга чизма

2.1-жадвал. Қисқа туташган роторли асинхрон моторлар учун тавсия этиладиган пазлар сони

2р	Статор пазлари сони $Z_1$	Ротор пазлари сони	
		пазлари олмаган $Z_2$	пазлари олган $Z_2$
2	12	9;15	-
	18	11;12;15;21;22	14;19;22;26;28;
	24	15;17;19;32	18;20;26;31;33;34;35
	30	22; 38	20;21;23;24;37;39;40
	36	26;28;44;46	25;27;29;43;45;47
	42	32;33;34;50;52	-
	48	38;40;56;58	37;39;41;55;57;59
4	12	9	15
	18	10;14	18;22
	24	15;16;17	16;18;30;33;34;35;36
	36	26;44;46	27;28;30;34;45;48
	42	52;54	34;53
	48	34;38;56;58;62;6	40;57;59

	60	4	48;49;51;56;64;69;71
	72	50;52;68;70;74 62;64;80;82;86	61;63;68;76;81;83
		21	
	36	26;46	28;33;47;49;50
	54	44;64;66;68	42;43;51;65;67
6	72	56;58;62;82;84;86	57;59;60;61;83;85;87
	90	.88 74;76;78;80 100;102;104	75;77;79; 101;103;105
	48	36;44;62;64	35;44;61;63;65
8	72	56;58;86;88;90	56;57;59;85;87;89
	84	66;70;98;100;102;	68;69;71;97;99;101
	96	104 78;82;110 112;114	79;80;81;83; 109;111;113
	60	44;46;74;76	57;69;77;78;79
10	90	68;72;74;76; 104;106;108; 110;112;114	70;71;73;87; 93;107;109
	120	86;88;92;94; 96;98;102; 104;106;134;	99;101;103;117; 123;137;139
		136;138;140; 142;144;146	
	72	56;64;80;88	69;75;80;89;91;92
12	90	68;70;74;88; 98;106;108;110	86;87;93;94
	108	86;88;92; 100;116;124; 128;130;132	84;89;91;104;105; 111;112;125;127

	144	124;128;136; 152;160;164; 166;168;170;172	125;127;141;147; 161;163
14	84 126	74;94;102; 104;106 106;108;116; 136;144;146; 148;150;152; 154;158	75;77;79;89; 91;93;103 107;117;119;121; 131;133;135;145
16	96 144	84;86;106; 108;116;118 120;122;124; 132;134;154; 156;164;166; 168;170;172	90;102 138;150

Чулгамни моторнинг қувватига қараб бир қатламли деб қабул қилимиз ( $P_N=1 \div 15$  кВт гача 1 қатламли,  $P_N > 15$  кВт да 2 қатламли) [1].

11. Статорнинг тиш бўлинимаси (қатъий):

$$t_{z1} = \frac{\pi D}{2 p m q} = \frac{3,14 \cdot 0,145}{2 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 3} = 0,013 \text{ м.}$$

12. Параллел шохобчалар сонини олдиндан  $a=1$  деб олиб, падишги эффектив ўтказгичлар сонини аниқлаймиз:

$$u'_n = \frac{\pi D A}{I_n Z_1} = \frac{3,14 \cdot 0,145 \cdot 25,2 \cdot 10^3}{15,10 \cdot 36} = 21,$$

бунда моторнинг номинал токи қуйидагича топилади:

$$I_{1N} = \frac{P_2}{m U_{1N} \eta_N \cos \varphi_N} = \frac{7,5 \cdot 10^3}{3 \cdot 220 \cdot 0,86 \cdot 0,88} = 15,1 \text{ А.}$$

13. Параллел шохобчалар сони  $a=1$  деб оламиз, (одатда  $a$  нинг қиймати [1] қутблар сонига тенг;  $u'_n$  нинг қиймати бутун қилиб олинади,  $u'_n$  параллел шохобчалар сони  $a$  га боғлиқ бўлади) у ҳолда  $u_n = a u'_n = 1 \cdot 21 = 21$ .

14. Статор фаза чулгамининг ўрашлар сони (қатъий):

$$w_1 = \frac{u_1 Z_1}{2am} = \frac{21 \cdot 36}{2 \cdot 1 \cdot 3} = 126.$$

15. Электромагнит юклама (катъий):

$$A = \frac{2I_1 w_1 m}{\pi D} = \frac{2 \cdot 15,1 \cdot 126 \cdot 3}{3,14 \cdot 0,145} = 25,072 \cdot 10^3 \text{ А/м.}$$

16. Машина ҳаво оралиғидаги магнит оқим:

$$\Phi = \frac{k_1 U_{1N}}{4k_B w_1 k_{s1} f_1} = \frac{0,92 \cdot 220}{4 \cdot 1,11 \cdot 126 \cdot 0,96 \cdot 50} = 75 \cdot 10^{-3} \text{ Вб,}$$

Бунда  $k_B$ —магнит майдон тузилиши коэффициентини бўлиб  $k_B = (\pi/2) \cdot \sqrt{2} = 1,11$  деб олинади [1].

17. Ҳаво оралиғидаги магнит индукция:

$$B_8 = \frac{\rho \Phi}{D l_8} = \frac{2 \cdot 7,5 \cdot 10^{-3}}{0,145 \cdot 0,115} = 0,905 \text{ Тл.}$$

A ва  $B_8$  нини қийматлари берилган чегарада (1.4-расм) бўлгани учун ҳисоблашларни давом эттираемиз.

18. Статор чулғамидаги ток зичлиги:




$$J_1 = \frac{(AJ)}{A} = \frac{155 \cdot 10^9}{25,072 \cdot 10^3} = 6,18 \cdot 10^6 \text{ А/м}^2.$$

$(AJ) = 155 \cdot 10^9 \text{ А}^2/\text{м}^3$  кўпайтманинг қиймати 1.7-расмдан олинади.

19. Эффе́ктив ўтказгичнинг кесим юзаси (оддиндан):

$$q_{\text{эф}} = \frac{I_{1N}}{a J_1} = \frac{15,10}{1 \cdot 6,18 \cdot 10^6} = 2,443 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2 = 2,443 \text{ мм}^2,$$

бу ерда  $J_1$ —чулғамдаги ток зичлиги,  $J_1 = (4,5-6,5) \cdot 10^6 \text{ А/м}^2$  бўлиши керак. Агар кесим юзаси 3-иловада берилган чулғам симлари кесим юзасидан катта бўлса ўрамга бир неча параллел сим олинади. Бунда кесим юзаси:  $q_{\text{эф}} = n_{\text{эл}}/q_{\text{эл}}$  бўлади. Бу ерда  $n_{\text{эл}}$  ва  $q_{\text{эл}}$ —элементар параллел симлар сони ва унинг кесим юзаси. Тўқма чулғамларда  $n_{\text{эл}}$ —элементар параллел симлар сонини 6-8 қилиб олиш мумкин. Агар ҳисобий қиймат  $q_{\text{эф}} > 20 \text{ мм}^2$  бўлса тўғри-бурчак кесимли симни элементар симларга бўладилар, бунда  $q_{\text{эл}} \leq 17-20 \text{ мм}^2$  бўлиши шарт. Каттик ғалтакли чулғамларда  $n_{\text{эл}} = 2$  олинади. Лойиҳаланаётган статор чулғами учун  $n_{\text{эл}} = 2$  деб қабул қиламиз. чунки изоляцияланган ўтказгичлар диаметри тўқма чулғамларда  $d_{\text{эл}} \leq 1,4 \text{ мм}$  дан ошмаслиги керак.



1.7-расм (АЖ)  
катталигининг ўртача  
қийматини танлаш  
учун чизмалар:  
а -  $h \leq 132$  мм;  
б -  $h = 160-250$  мм;  
в -  $h = 280-355$  мм

$q_{st} = q_{\text{ф}} / n_{st} = 2,443 / 2 \approx 1,22$  мм<sup>2</sup> га қараб, ПЭТМ ва ПЭТ-155 маркали чулғам ўтказгичлари учун 3-Иловадан:  $d_{st} = 1,25$  мм;  $q_{st} = 1,227$  мм<sup>2</sup>;  
 $q_{\text{ф}} = q_{st} \cdot n_{st} = 1,23 \cdot 2 = 2,454$  мм<sup>2</sup>;  $d_{\text{ф}} = 1,33$  мм<sup>2</sup> танлаб оламиз.

20. Статор чулғамидаги ток зичлиги:

$$J_1 = \frac{I_{1\text{н}}}{\sigma q_{st} n_{st}} = \frac{15,10}{1 \cdot 1,227 \cdot 10^3 \cdot 2} = 6,154 \cdot 10^{-6} \text{ А/мм}^2$$

Агар ток зичлиги  $J_1$  рухсат этилган қийматдан катта бўлса,  $n_{st}$  ёки  $q_{st}$  қиймати каттароқ олиниб ҳисоблашлар такрорланади.

### 1.3. Статор тиш қатлами ва ҳаво оралиғи ўлчамларини ҳисоблаш

Статор пази ўлчамлари асосан қуйидаги: чулғам ўрамлари тўла жойлашиши; тишлардаги индукция қийматининг маълум қийматдан кам бўлмаслиги каби талабларга жавоб бериши керак. Статор пази учун трапециясимон шаклни танлаймиз (4А серияли қисқа туташган асинхрон моторларда трапециясимон пазлар олинади). Статор магнит ўзақ қисмларидаги индукция қиймати 1.4-жадвалда кўрсатилган.

21. 1.4-жадвалдан фойдаланиб олдиндан  $B_{z1} = 1,80$  Тл;  $B_z = 1,5$  Тл қийматларни танлаймиз, у ҳолда тишнинг минимал кенглиги:

$$b_{z1} = \frac{B_z I_{z1} l_s}{B_{z1} I_{\text{ф}} k_{\text{ф}}} = \frac{0,905 \cdot 0,013 \cdot 0,115}{1,8 \cdot 0,115 \cdot 0,97} = 6,55 \text{ мм.}$$

бунда,  $k_{\text{пул}}$  -магнит ўтказувчанликни пўлат билан тўлдириш коэффициентини 1.5 жадвалдан олинади.

22. Статор магнит ўзаги ярмосининг баландлиги:

$$h_a = \frac{\Phi}{2B_a l_{\text{пул}} k_{\text{пул}}} = \frac{7,5 \cdot 10^3}{2 \cdot 1,5 \cdot 0,115 \cdot 0,97} = 0,02254 \text{ м} = 22,54 \text{ мм.}$$

(дастлабки тахминий ҳисоблашларда пазлар ўрамлирини ҳисобга олмасдан фақат индукция бўйича ҳисобланади).

2.3. Статор пазининг андозавий ўлчамлари:  $b_{\text{пз}}=3,5$  мм,  $h_{\text{пз}}=0,5$  мм деб олампиз. 4А могорларида  $h \leq 132$  мм бўлса,  $h_{\text{пз}}=0,5$  мм;  $h \geq 160$  мм бўлса  $h_{\text{пз}}=1,0$  мм бўлади.  $b_{\text{пз}}$  шлицнинг эни 1.6-жадвалдан олинади. Статор пазининг шакли 1.8-расм. а да кўрсатилган.


2.4. Пазнинг баландлиги:

$$h_a = \frac{D_s - D}{2} - h_a = \frac{225 - 145}{2} - 22,5 = 17,5 \text{ мм.}$$

2.5. Трапециянинг пастки ва юқори қисмларининг ўлчамлари куйидагича топилади:

$$b_1 = \frac{\pi D + 2h_a}{Z_1} - b_{r1} = \frac{3,14 (145 + 2 \cdot 17,5)}{36} - 6,55 = 9,14 \text{ мм}$$

$$b_2 = \frac{\pi D + 2h_{\text{пз}}}{Z_1 - \pi} - Z_1 b_{r1} = \frac{3,14 (145 + 2 \cdot 0,5 - 3,5)}{36 - 3,14} - 6,55 = 6,7 \text{ мм}$$



1.8-расм.  $P_{2N}=7,5$  кВт,  $2p=4$ ,  $U_N=220/380$  В бўлган лойиҳаланган моторнинг пазлари:

а-статор, б-ротор

1.4-жадвал. Асинхрон моторлар IP44 бажарилишида магнит занжири қисмларидаги индукциянинг рухсат берилган қийматлари

Магнит занжирининг қисми	Шартли белгиси ва ўлчов бирлиги	2p = 2	2p = 4	2p = 6	2p = 8
Статор ярмоси	$B_{\sigma}$ , Тл	1,4 - 1,6	1,4 - 1,6	1,4 - 1,6	1,15-1,3
Статор тишлари	$B_{\tau 1}$ , Тл	1,6 - 1,9	1,6 - 1,9	1,6 - 1,9	1,6 - 1,9
Статор ти-шининг энг тор қисми	$B_{\tau 1 \max}$ , Тл	1,75-1,95	1,75-1,95	1,75-1,95	1,75-1,95
	а) ярим очик пазлар				
	б) очик пазлар	1,6-1,8	1,6-1,8	1,6-1,8	1,6-1,8
Ротор ярмоси (қиска туташган)	$B_{\rho}$ , Тл	$\leq 1,45$	$\leq 1,4$	$\leq 1,2$	$\leq 1$
Ротор тишлари	$B_{\tau 2}$ , Тл	1,7-1,95	$\leq 1,4$	$\leq 1,2$	$\leq 1$
Ротор ти-шининг энг тор қисми	$B_{\tau 2 \max}$ , Тл (қиска туташган)	1,5 - 1,7	1,5 - 1,7	1,6 - 1,9	$\leq 1$

1.5-жадвал. Асинхрон моторлари статор ва роторининг магнит ўтказувчанлигини пўлат билан тўлдириш  $k_{\text{пул}}$  коэффициентини танлаш ( $U_N \leq 660$  В)

h, мм	U, В	Пўлат маркази	Статор		Қиска туташган ротор		Фаза ротор	
			Изоляция аш йўли	$k_{\text{пул}}$	Изоляция аш йўли	$k_{\text{пул}}$	Изоляция лаш йўли	$k_{\text{пул}}$
45-250	$\leq 660$	2013	Оксидлаш	0,97	Оксидлаш	0,97	-	-
		2212						
		2214						

280-355	≤660	2312	Локлаш	0,95	Локлаш	0,97	Локлаш	0,95
280-560	6000	2412	Локлаш	0,95	Локлаш	0,95	Локлаш	0,95

16-жадвал. Ярим ёпик статор пази (га сим солинадиган қисми) шлицси

$b_{ш}$  ни танлаш

h, мм	Жуфт қутблар сони 2р				
	2	4	6-8	10	12
50-63	1.8	1.8	1.8	-	-
71	2.0	2.0	2.0	-	-
80.90	3.0	3.0	2.7	-	-
100.112	3.5	3.5	3.0	-	-
132	4.0	3.5	3.5	-	-
160-250	4.0	3.7	3.7	-	-
280-315	-	-	-	4.0	4.0

26. Пазнинг чулғам жойланадиган қисмининг баландлиги:

$$h_1 = h_{ш1} - (h_{ш1} + \frac{h - b_{ш}}{2}) = 17,5 - (0,5 + (6,44 - 3,5)/2) = 15,5 \text{ мм.}$$

27. Йиғишда йўл кўйиладиган ораликлар ҳисобига пазнинг ўлчамлари:

$$h'_1 = b_1 - \Delta b_{ш} = 9,14 - 0,1 = 9,04 \text{ мм;}$$

$$h'_2 = b_2 - \Delta b_{ш} = 6,44 - 0,1 = 6,3 \text{ мм;}$$

$$h'_3 = h_1 - \Delta h_{ш} = 15,3 - 0,1 = 15,2 \text{ мм,}$$

бу ерда,  $\Delta h_{ш}$ ,  $\Delta b_{ш}$ -пазнинг остки ёки устки ва ён томондан изоляцияларининг қалинлиги. Бу қийматлар одатда  $\Delta h_{ш} = \Delta b_{ш}$  бўлади.  $h=50-132$  мм бўлганда  $\Delta b_{ш}=0,1$  мм;  $h=160-250$  мм бўлганда  $\Delta b_{ш}=0,2$  мм;  $h=280-355$  мм бўлганда  $\Delta b_{ш}=0,3$  мм;  $h=400-500$  мм бўлганда  $\Delta b_{ш}=0,4$  мм бўлади.

28. Симларни жойлаштириш учун пазнинг кўндаланг кесим юзаси:

$$S'_{ш} = \frac{b'_1 + b'_2}{2} h'_1 - (S_{ш1} + S_{ш2}) = \frac{9,04 + 6,3}{2} \cdot 15,4 - 15,15 = 103,16 \text{ мм}^2,$$

бу ерда:  $S_{ш1} = 0$  - прокладка (қистирма) юзаси;  $S_{ш2}$  - пазнинг корпус изоляцияси кўндаланг кесим юзаси:

$$S_{\text{м}} = b_{\text{м}}(2h_{\text{н1}} + b_1 + b_2) = 0,3(34,9 + 9,14 + 6,44) = 15,15 \text{ мм}^2,$$

бу ерда, паздаги изоляциянинг бир томонлама қалинлиги  $b_{\text{м1}} = 0,25$  мм.  $h = 50-80$  мм бўлганда  $b_{\text{м1}} = 0,2-0,3$  мм,  $h = 90-132$  мм бўлганда  $b_{\text{м1}} = 0,25-0,35$  мм,  $h = 160-250$  мм бўлганда  $b_{\text{м1}} = 0,4-0,5$  мм бўлади.

Пазнинг тўғри ҳисобланганлигини пазни тўлдириш коэффициентини  $k_{\text{п}}$ , орқали аниқланади. У эффектив чулғам юзасини паз юзасига нисбатига тенг.  $k_{\text{п}} \approx 0,72$  атрофида бўлиши шарт.


29. Пазни тўлдириш коэффициентини:

$$k_{\text{п}} = \frac{d_{\text{п}} \cdot u_{\text{п}} \cdot n_{\text{п}}}{S_{\text{п}}} = \frac{1,77^2 \cdot 21 \cdot 2}{103,16} = 0,72,$$

Агар  $k_{\text{п}} = 0,72$  атрофида бўлмаса, моторнинг асосий ўлчамларини ўзгартирмасдан,  $u_{\text{п}}$  ни ўзгартириб (биттага ошириб ёки камайтириб) ёки  $V_1$ , ва  $V_2$  ларни, яъни паз ўлчамларини ўзгартирган ҳолда  $k_{\text{п}}$ , коэффициентини тахминан 0,72 га келтириш керак [1].

#### 1.4. Роторни ҳисоблаш

Роторни ҳисоблаш ротор пазлари сонини аниқлашдан бошланади. Ротор кўп фазали бўлгани учун юқори гармоникалар таъсири катта бўлади. Бу таъсирни ротор пазлари сонини танлаш орқали камайтириш мумкин. Шунинг назарда тутиб статор пазларига мувофиқ келувчи энг оптимал ротор пазлари сони 1.3-жадвалдан танланади.



1.9-расм. Ҳаво оралиғини танлашга оид

Одатда ротордаги пазлар сонини статордагига нисбатан камроқ қилиб олинади  $Z_2 < Z_1$ . Баъзи ҳолларда катта қувватли моторларда  $Z_2 > Z_1$ , қилиб олинади [1].

30. Ротордаги пазлар сони (1.3-жадвал бўйича):  $Z_2=34$ .

31. Машина ҳаво оралиғини 1.9-расмдан танлаймиз:  $\delta=0,35$  мм.

32. Роторнинг ташқи диаметри:  $D_2=D-2\delta=0,145-2\cdot 0,35 \times 10^{-3}=0,144$  м.

33. Роторнинг узунлиги:  $l_2=l_1=0,115$  м.

34. Тиш бўлинмаси:

$$t_{z2}=\pi D_2/Z_2=\pi \cdot 0,144/34=0,0133 \text{ м}=13,3 \text{ мм.}$$

35. Роторнинг ички диаметри вал диаметрига тенг бўлади, чунки ротор ўзаги валга бевосита ўрнатилади:

$$D_1=D_2=k_n D_2=0,23 \cdot 0,225=0,0518 \text{ м} \approx 52 \text{ мм.}$$

Валнинг диаметрини ҳисоблаш учун керак бўладиган коэффициент  $k_n$  киймати  $h=71 \div 250$  мм ва  $2p=2 \div 8$  бўлганда  $k_n=0,23$ .

36. Ротор стерженидаги ток:

$$I_2=k_r I_1 \nu_r=0,89 \cdot 15,1 \cdot 21,3=286 \text{ А,}$$

бунда  $k_r$ -магнитловчи токнинг  $I_1/I_2$  тоқлар нисбатига таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент:  $\cos\varphi=0,85-0,9$  бўлганда  $k_r=0,89$ ; тоқларни келтириш коэффициенти:

$$\nu_r=\frac{2m_p w_r k_{r1}}{Z_2}=\frac{2 \cdot 3 \cdot 126 \cdot 0,96}{34}=21,3.$$

37. Стерженнинг кўндаланг кесим юзаси:

$$q_k=\frac{I_2}{j \cdot \sqrt{3,5 \cdot 10^2}}=81,784 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2=81,784 \text{ мм}^2.$$

Алюминий куйма стерженлар учун ток зичлиги  $J_2=(2,5-3,5)10^6$  А/м<sup>2</sup>, мис стерженлар учун эса  $J_2=(4,0-8,0)10^6$  А/м<sup>2</sup> бўлади.

38. Ротор пазини 1.8,6-расмдагидек,  $b_{m2}=1,5$  мм,  $h_{m2}=0,75$  мм,  $h'_{m2}=0,3$  мм га 1.4-жадвалдан  $B_{z2}=1,8$  Тл тенг деб қабул қиламиз.  $h=160-250$  мм бўлганда [1] қисқа туташган роторли 4А туркумли моторларда ноксимон пазлар ишлатилади ва  $b_{m2}=1,5$  мм ва  $h_{m2}=0,7$  мм,  $h'_{m2}=0,3$  мм;  $h=112-132$  мм бўлганда  $b_{m2}=1,5$  мм ва  $h_{m2}=0,75$  мм,  $h'_{m2}=0,3$  мм;  $2p=2$  бўлганда  $b_{m2}=1,5$  мм ва  $h_{m2}=0,7$  мм,  $h'_{m2}=1,0-1,5$  мм қилиб олинади.

39. Тишнинг рухсат этилган кенглиги:

$$b_{2(pax)} = \frac{B_{1,2} l_0}{B_{2,2} l_{0,2} k_{mm}} = \frac{0,905 \cdot 13,3 \cdot 10^{-3} \cdot 0,115}{1,8 \cdot 0,115 \cdot 0,97} = 6,9 \cdot 10^{-3} \text{ м} = 6,9 \text{ мм},$$

бунда  $l_{0,2} = l_0$ .

40. Ротор пазининг ўлчамлари:

$$b_{1(m2)} = \frac{\pi(D_2 - 2h_{m2} - 2h'_{m2}) - Z_2 b_{2(pax)}}{\pi Z_2} = \frac{314(144 - 2 \cdot 0,75 - 2 \cdot 0,3) - 34 \cdot 6,9}{314 + 34} = 5,76 \text{ мм};$$

$$b_{2(m2)} = \sqrt{\frac{b_{(pax)}^2 \left( \frac{Z_2 + \pi}{\pi} \right) - 4 \cdot q_k}{\frac{Z_2 - \pi}{\pi} - 2}} = \sqrt{\frac{5,7^2 \left( \frac{34 + \pi}{\pi} \right) - 4 \cdot 81,8}{\frac{34 - \pi}{\pi} - 2}} = 2,87 \text{ мм};$$

$$h_{1(m2)} = (b_{1(m2)} - b_{2(m2)}) \frac{Z_2}{2\pi} = (5,7 - 2,87) \frac{34}{2 \cdot 3,14} = 15,4 \text{ мм}.$$

Хисоблашлар осон бўлиши учун  $b_{1(m2)} = 5,8$  мм,  $b_{2(m2)} = 3,0$  мм,  $h_{1(m2)} = 15,4$  мм деб қабул қиламиз.

41. Пазининг умумий баландлиги:

$$h_{m2} = h'_{m2} + h_{m2} + \frac{b_{1(m2)}}{2} + h_{2(m2)} + \frac{b_{2(m2)}}{2} = 0,3 + 0,75 + \frac{5,8}{2} + 15,4 + \frac{3}{2} = 20,9 \text{ мм}.$$

42. Стерженнинг кўндаланг кесим юзаси:

$$q_k = \frac{\pi}{8} (b_{1(m2)}^2 + b_{2(m2)}^2) + 1/2 (b_{1(m2)} + b_{2(m2)}) h_{1(m2)} = \frac{3,14}{8} (5,8^2 + 3^2) + 0,5(5,8 + 3) \cdot 15,4 = 84,5 \text{ мм}^2.$$

43. Стержендаги ток зичлиги:

$$J_2 = \frac{I_2}{q_k} = 286/84,5 = 3,39 \text{ А/мм}^2.$$

44. Қисқа тугаштирувчи ҳалқа (1.10-расм) ва унинг кўндаланг кесим юзаси:

$$q_k = \frac{I_x}{J_x} = 779,29/2,87 = 270,63 \text{ мм}^2$$

бу ерда  $I_x = \frac{I_2}{\Delta} = 286,24/0,367 = 779,29 \text{ А}$

$$\Delta = 2 \sin \alpha_x / 2 = 2 \sin \pi / Z_2 = 2 \sin \pi \cdot 2/34 = 0,367.$$

$$J_x = 0,85 J_2 = 0,85 \cdot 3,39 \cdot 10^6 = 2,88 \text{ А/мм}^2.$$


45. Қисқа тугаштирувчи ҳалқаларнинг ўлчамлари (1.10-расм):

$$b_x = 1,25 \cdot h_{m2} = 1,25 \cdot 20,9 = 26,1 \text{ мм};$$

$$a_{\kappa} = q_{\kappa} / b_{\kappa} = 270,63 / 26,063 = 10,4 \text{ мм};$$

$$q_{\kappa} = b_{\kappa} \cdot a_{\kappa} = 26,1 \cdot 10,4 = 271 \text{ мм}^2;$$

$$D_{\kappa} = D_2 - b_{\kappa} = 144,31 - 26,1 = 118 \text{ мм}.$$



1.10-расм. Киска гуташтирувчи халка ўлчамлари

### 1.5. Магнит занжирини ҳисоблаш

46. Моторнинг магнит занжири қисмларидаги индукциялар:

статор тишидаги:

$$B_{\sigma 1} = \frac{B_{\sigma 1} l_{\sigma 1}}{b_{\sigma 1} l_{\text{мст}1} k_{\text{мст}1}} = \frac{0,905 \cdot 0,013 \cdot 0,115}{6,55 \cdot 0,115 \cdot 0,97} = 1,8 \text{ Тл},$$

ротор тишидаги:

$$B_{\sigma 2} = \frac{B_{\sigma 1} l_{\sigma 1} k_{\sigma 1}}{b_{\sigma 2} l_{\text{мст}2} k_{\text{мст}2}} = \frac{0,905 \cdot 13,3 \cdot 0,115}{6,9 \cdot 0,115 \cdot 0,97} = 1,8 \text{ Тл},$$

ротор ярмосида:

$$B_{\sigma} = \frac{\Phi}{2h_{\sigma} l_{\text{мст}1} k_{\text{мст}1}} = \frac{7,5 \cdot 10^{-4}}{2 \cdot 22,5 \cdot 0,115 \cdot 0,97} = 1,5 \text{ Тл},$$

ротор ярмосида:

$$B = \frac{\Phi}{2h'_{\text{мст}2} k_{\text{мст}2}} = \frac{7,5 \cdot 10^{-4}}{2 \cdot 32,1 \cdot 0,115 \cdot 0,97} = 1,05 \text{ Тл}.$$

47. Ротор ярмосининг ҳисобий баландлиги:

$$h'_{\sigma} = \frac{2+p}{3,2p} \left( \frac{D_2}{2} - h_{\sigma 2} \right) - (2-3) d_{\text{к}2} \sqrt{m_{\text{к}2}} = \frac{2+2}{3,2 \cdot 2} \left( \frac{144}{2} - 20,9 \right) = 32,1 \text{ мм}.$$

48. Хаво оралиғининг магнит кучланиши:

$$F_{\delta} = 1,59 \cdot 10^6 B_{\delta} k_{\delta} \delta = 1,59 \cdot 10^6 \cdot 0,905 \cdot 1,226 \cdot 0,35 = 617,27 \text{ А},$$

бунда,  $k_{\delta} = \frac{l_{\delta 1}}{l_{\delta 1} - \gamma \delta} = 12,6 / (12,6 - 6,67 \cdot 0,35) = 1,226$

$$\text{(бундаги } \gamma = \frac{(b_{m1}/\delta)^2}{5 + b_{m1}/\delta} = \frac{(3,5/0,35)^2}{5 + 3,5/0,35} = 6,67).$$

49. Статор ва ротор тиш қатламларининг магнит кучланишлари статорда:

$$F_{r1} = 2h_{r1}H_{r1} = 2 \cdot 17,5 \cdot 10^{-3} \cdot 1520 = 53,063 \text{ А};$$

роторда:

$$F_{r2} = 2h_{r2}H_{r2} = 2 \cdot 20,6 \cdot 10^{-3} \cdot 1520 = 62,472 \text{ А};$$

(2013 маркали пўлат учун 1-иловадан  $B_{r1}=1,8$  Тл бўлганда  $H_{r1}=1520$  А/м;  $B_{r2}=1,8$  Тл бўлганда  $H_{r2}=2010$  А/м;  $h_{r1}=h_{m1}=17,5$  мм;  $h_{r2}=h_{m2}=0,1b_{r2}=20,9-0,1 \cdot 3=20,6$  мм.)

50. Тиш қатламининг тўйиниш коэффициенти:

$$k_r = 1 + \frac{F_{r1} + F_{r2}}{F_r} = 1 + (53,063 + 62,472) / 617,27 = 1,19$$

51. Статор ва ротор ярмосидаги магнит кучланишлар:

(статорда)  $F_s = l_s H_s = 159 \cdot 520 = 82,6 \text{ А};$

(роторда)  $F_s = l_s H_s = 60,5 \cdot 203 = 12,3 \text{ А}.$

(бунда 2015 маркали пўлат учун 2-иловадан  $B_s=1,5$  Тл бўлганда  $H_s=520$  А/м;  $B_r=1,05$  Тл бўлганда  $H_r=203$  А/м).

52. Статор ярмосининг ўртача узунлиги:

$$L_s = \frac{\pi(D_s - h_s)}{2p} = 3,14 \cdot (225 - 22,5) / 2 \cdot 2 = 159 \text{ мм} = 0,159 \text{ м},$$

бунда  $h_s=22$  банддан олинган.

53. Ротор ярмосининг ўртача узунлиги:

$$L_r = \frac{\pi(D_r + h'_{m1})}{2p} = 3,14 \cdot (52 + 25,1) / (2 \cdot 2) = 60,5 \text{ мм} = 0,06 \text{ м}.$$

ротор ярмосининг ўртача баландлиги:

$$h'_{m1} = \frac{(D_2 - D_1)}{2} - h_{m2} = (144 - 52) / 2 - 20,9 = 25,1 \text{ мм}.$$

54. Жуфт кутблардаги натижавий магнит кучланганлик:

$$F_{\Sigma} = F_s + F_{r1} + F_{r2} + F_s + F_r = 617 + 53,1 + 62,5 + 82,6 + 12,3 = 827,77 \text{ А}.$$

85. Магнит санжиринин туйвниш коэффициенти:

$$k_{\mu} = F_y / F_{\delta} = 828 / 617 = 1,34.$$

86. Магнитловчи ток:

$$I_{\mu} = \frac{pF_{\delta}}{0,9mw_{\delta}k_{\mu}} = 2 \cdot 827,77 / (0,9 \cdot 3 \cdot 126 \cdot 0,96) = 5,07 \text{ А.}$$

87. Магнитловчи токнинг нисбий бирликдаги киймати:

$$I_{\mu} = I_{\mu} / I_{1\gamma} = 5,07 / 15,1 = 0,34.$$

### 1.6. Иш режимининг параметрларини ҳисоблаш

88. Статор чулғамининг актив қаршилиги:

$$r_1 = K_R \rho_{115(\text{См})} \frac{l_1}{q_{\delta} a} = \frac{10^{-6} \cdot 75,8}{41 \cdot 2,454 \cdot 10^{-6} \cdot 1} = 0,753 \text{ Ом.}$$

Июляциянинг иссиқликка бардошлилик F синфи бўйича ҳисобий температураси  $\theta_{\zeta} = 115^{\circ}\text{C}$ . Мис учун солиштирма қаршилик  $\rho_{115(\text{См})} = 10^{-6} / 41$  Ом м. Ротор қаршилигининг умумий ошиш коэффициенти  $K_R \approx 1$

89. Фата чулғамдаги симнинг узунлиги:

$$L_1 = l_{\text{урт}} w_1 = 0,601 \cdot 126 = 75,8 \text{ м,}$$

бунада  $l_{\text{урт}} = 2(l_{\text{тв}1} + l_{\text{тв}2}) = 2(0,115 + 0,186) = 0,601$  м. статор чулғами урамининг уртача узунлиги:

$$l_{\text{тв}1} = K_m b_{\text{ст}} + 2B = 1,3 \cdot 0,128 + 2 \cdot 0,01 = 0,186 \text{ м; } l_{\text{тв}2} = l_1 = 0,115 \text{ м,}$$

бунада, галтакнинг паздан чиқиб буқланган қисмигача бўлган узунлиги  $B = 0,01$  м;  $K_m = 1,3$  киймат 1.7-жадвалдан олинади.

60. Галтакнинг ўртача кенлиги:

$$b_{\text{ср}} = \frac{\pi(D + h_{\text{тв}1})}{2p} \beta = 3,14 (145 + 17,5) / (2 \cdot 2) = 0,128 \text{ м,}$$

$\beta$ - чулғам қашанини қисқартириш коэффициенти. бир қатламли ва диаметрал икки қатламли чулғамлар учун  $\beta = 1$ .

1.7-жадвал. Ғалтакнинг паздан ташқарига чиқиб турган қисмини ҳисоблаш

Кутблар сони, 2р	2	4	6	8	10
$K_{\text{от}}$	1,2	1,3	1,4	1,5	1,5
$K_{\text{чик}}$	0,26	0,4	0,5	0,55	0,6

61. Ғалтакнинг паздан чиқиб турган қисмининг узунлиги:

$$l_{\text{чик}} = K_{\text{чик}} \cdot b_{\text{паз}} + B = 0,4 \cdot 0,128 + 0,01 = 0,061 = 61 \text{ мм.}$$

бунда  $K_{\text{чик}} = 0,4$  (1.7-жадвалдан).

62. Статор чулғами актив қаршилигининг нисбий бирдаги қиймати:

$$r_1 = r_1 I_{1N} / U_{1N} = 0,753 \cdot (15,1 / 220) = 0,052.$$

63. Ротор фазасининг актив қаршилиги (қуйма алюминий чулғам учун):

$$r_2 = r_c + \frac{2r_s}{\Delta^2} = 68 \cdot 10^{-6} + 2 \cdot 2,018 \cdot 10^{-6} / 0,367^2 = 97,9 \cdot 10^{-6} \text{ Ом,}$$

бунда  $r_c = \rho_{\text{Al}} \frac{l_s}{q} = \left( \frac{10^{-8}}{20,5} \right) \cdot \left( \frac{0,115}{84,5 \cdot 10^{-6}} \right) = 68 \cdot 10^{-6} \text{ Ом;}$

$$r_s = \rho_{\text{Al}} \frac{\pi \cdot D_s}{Z_2 \cdot q} = \left( \frac{10^{-8}}{20,5} \right) \cdot \left( \frac{3,14 \cdot 0,1183}{34 \cdot 270,6 \cdot 10^{-6}} \right) = 2,018 \cdot 10^{-6} \text{ Ом.}$$

бунда, қуйма алюминий чулғам учун солиштирма қаршилик:

$$\rho_{\text{Al}} = \left( \frac{10^{-8}}{20,5} \right) \text{ Ом} \cdot \text{м.}$$

64.  $r_2$  ни статор чулғами ўрамлари сонига келтирамиз:

$$r'_2 = r_2 \frac{4m(w_1 k_{\text{эл}})^2}{Z_1} = 97,9 \cdot 10^{-6} \frac{4 \cdot 3 \cdot (126 \cdot 0,96)^2}{34} = 0,506 \text{ Ом.}$$

65. Ротор қисқа туташган чулғами актив қаршилигининг нисбий бирликдаги қиймати:

$$r'_{2'} = r'_2 \frac{I_{1N}}{U_{1N}} = 0,506 \cdot (15,1 / 220) = 0,033.$$

66. Статор фаза чулғамининг индуктив қаршилиги:

$$x_1 = 15,8 \left( \frac{f_1}{100} \right) \left( \frac{w_1}{100} \right)^2 \frac{l_k}{pq} (\lambda_{\text{ст}} + \lambda_{\text{рот}} + \lambda_{\text{шт}}) = 15,8 \cdot \frac{50}{100} \left( \frac{126}{100} \right)^2 \frac{0,115}{2 \cdot 3} \times \\ \times (1,27 + 1,0 + 2,399) = 1,123 \text{ Ом,}$$

бунда, бунда, таркок магнит майдон магнит ўтказувчанлигининг паздаги сочилиш коэффициенти:

$$\lambda_{\text{мт}} = \left( \frac{h_1}{3b_{2\text{мт}}} \right) k_{\rho} + \left( \frac{h_{2\text{ст}}}{b_{2\text{ст}}} + \frac{3h_{\text{вст}}}{b_2 + 2b_{\text{мт}}} + \frac{h_{\text{мт}}}{b_{\text{мт}}} \right) k'_{\rho} = \frac{15,49}{3 \cdot 6,44} + \frac{3 \cdot 1,47}{6,44 + 2 \cdot 3,5} + \frac{1,0}{3,5} = 1,27,$$

бу ерда  $h_1 = 15,49$  мм,  $k_{\rho} = 1$ ;  $k'_{\rho} = 1$ ;  $b_{2\text{мт}} = 6,44$  мм,  $h_{2\text{ст}} = 0$ ;

$$h_3 = \frac{b_{2\text{ст}} - b_{\text{в}}}{2} = \frac{6,44 - 3,5}{2} = 1,47 \text{ мм.}$$

паздан ташқари қисмидаги таркок магнит майдонининг магнит ўтказувчанлик коэффициенти:

$$\lambda_{\text{мт}} = 0,34 \frac{q}{l'_{\tau}} (I_{\text{мт}} - 0,64\beta\tau) = 0,34 \frac{3}{0,115} (0,186 - 0,64 \cdot 0,114) = 1,0;$$

дифференциал таркок магнит майдоннинг магнит ўтказувчанлик коэффициенти:

$$\lambda_{\text{дт}} = \frac{t_{21}}{128k_{\text{с}}} \xi = \frac{12,64}{12 \cdot 0,35 \cdot 1,226} \cdot 0,98 = 2,399.$$

бунда ярим очик ва ярим ёпик статор пазларида  $\xi$  коэффициен


ти:  $\xi = 2k'_{\text{кми}} k_{\rho} - k_{\text{дт}} \left( \frac{t_{22}}{t_{21}} \right)^2 (1 + \beta^2_{\text{кми}}) = 2 \cdot 1,0 - 0,96^2 \cdot \left( \frac{13,3}{12,6} \right)^2 = 0,98;$

$t_{22}/t_{21} = 13,3/12,6 = 1,05$  бўлгани учун 1.10-расмдан  $k'_{\text{кми}} = 1,0$  ни танлаймиз.

$\beta_{\text{кми}} = 0$ ,  $\beta_{\text{кми}} = h_{\text{кми}}/t_{22}$ -кийшайиш коэффициенти бўлиб, кийшайиш йўқ бўлса,  $\beta_{\text{кми}} = 0$ .

67. Статор чулғами реактив қаршилигининг нисбий бирликдаги қиймати:

$$x_1 = x_1 (I_{1N}/U_{1N}) = 1,123 \cdot (15,10/220) = 0,077.$$



6.1-расм.  $t_{22}/t_{21}$  буйича  $k'_{\text{кми}}$  ни танлаш учун чизма

68. Ротор фаза чулгамининг индуктив қаршилиги:

$$x_1 = 7,9 / I_1 (\lambda_{a2} + \lambda_{m2} + \lambda_{r2}) 10^6 = 7,9 \cdot 50 \cdot 0,115 \cdot (2,99 + 0,55 + 2,61) \cdot 10^{-6} = 279,16 \cdot 10^{-6} \text{ Ом,}$$

бунда, тарқок магнит майдон магнит ўтказувчанлигининг паздаги сочилиш коэффициентлари:

$$\lambda_{a2} = \left[ \frac{h}{3b_{1(m2)}} \left( 1 - \frac{\pi b_{1(m2)}^2}{8q_c} \right) + 0,66 - b_{m2} / 2b_{m2} \right] k_a + h_{m2} / b_{m2} +$$

$$+ 1,12 h'_{m2} \cdot 10^3 \quad l_2 = \frac{19,2}{3 \cdot 5,8} \left( 1 - \frac{\pi \cdot 5,8^2}{8 \cdot 84,5} \right)^2 + 0,66 \cdot \frac{1,5}{2 \cdot 5,8} + \frac{0,8}{1,5}$$

$$+ 1,12 \frac{0,3 \cdot 10^3}{286} = 2,99,$$

$$(h = h_{a2} - h'_{m2} - h_{m2} - 0,2 \cdot b_{2(m2)} / 2 = 20,9 - 0,3 - 0,75 - 2,3 / 2 = 19,2 \text{ мм иш режими учун}$$

$$k_a = 1); l'_a = l_a = 0,115 \text{ м; } 51$$

паздан ташқари қисмидаги тарқок магнит майдонининг магнит ўтказувчанлик коэффициентлари:

$$\frac{1 \cdot 2,3 \cdot 0,118}{34 \cdot 0,115 \cdot 0,367^2} \times \lg \frac{4,7 \cdot 0,118}{2 \cdot 0,01 + 0,026} = 0,55;$$

роторнинг қисқа туташув чулгамида дифференциал тарқалишининг магнит ўтказувчанлик коэффициентлари:

$$\lambda_{a2} = \frac{l_{a2}}{12\delta k_a} \xi = \frac{13,3}{12 \cdot 0,35 \cdot 1,226} 1,01 = 2,61$$

$$\xi = 1 + 0,2(\pi r / Z_2)^2 - \frac{\Delta_2}{1 - (\pi r / Z_2)^2} \approx 1 + 0,2(3,14 \cdot 2 / 34)^2 = 1,01.$$

бунда ёпиқ пазлар учун  $\Delta_2 \approx 0$ .

69. Магнит ўтказувчанлик коэффициентлари йиғиндиси:

$$\sum \lambda_2 = \lambda_{a2} + \lambda_{m2} + \lambda_{r2} = 2,99 + 0,55 + 2,61 = 6,15.$$

70.  $x_2$  ни статор ўрамлари сонига келтираемиз:

$$x'_2 = x_2 \frac{4m(w_1 k_{q1})^2}{Z_2} = 279,2 \cdot 10^{-6} \frac{4 \cdot 3 \cdot (126 \cdot 0,96)^2}{34} = 1,442 \text{ Ом.}$$

71. Ротор индуктив қаршилигининг нисбий бирликда қиймати:

$$x'_{2*} = x'_2 (I_{1N} / U_{1N}) = 1,442 (15,1 / 220) = 0,099.$$

### 1.7. Қувват исрофларини ҳисоблаш

72. Пулатдаги асосий исрофлар:

$$P_{\text{пулат}} = \rho_0 (l / 50)^2 (k_a B_{\text{a}}^2 m_a + k_{\text{в}} B_{\text{в}}^2 m_{\text{в}}) = 2,6 \cdot (1,6 \cdot 1,5^2 \cdot 12,46 + 1,8 \cdot 1,8^2 \cdot 3,58) = 170,9 \text{ Вт.}$$

бу ерда 2013 маркали пулат учун  $\rho_0 = 2,6$  Вт/кг ва  $\beta = 1,5$ ;  $k_{\text{а}}$  ва  $k_{\text{в}}$  - магнит оқимни потекис тақсимланишининг исрофларга таъсирини ҳисобга олувчи коэффициентлар. Қуввати 250 кВт гача бўлган машиналар учун  $k_{\text{а}} = 1,6$  ва  $k_{\text{в}} = 1,8$ ; ундан қатга бўлса  $k_{\text{а}} = 1,4$  ва  $k_{\text{в}} = 1,7$ .

73. Ярмодаги пулатнинг массаси:

$$m_{\text{я}} = \pi (D_{\text{в}} - h_{\text{в}}) h_{\text{в}} l_{\text{я}} k_{\text{я}} \gamma_{\text{я}} = 3,14 (0,225 - 0,0225) \cdot 0,0225 \cdot 0,115 \times 0,97 \cdot 7800 = 12,5 \text{ кг.}$$

$$\text{бунда } h_{\text{в}} = 0,5(D_{\text{в}} - D_{\text{а}}) - h_{\text{а}} = 0,5 (0,225 - 0,145) - 0,0175 = 0,0225.$$

74. Статор ўзагидаги тишлар массаси:

$$m_{\text{ст}} = h_{\text{ст}} b_{\text{ст}} Z_{\text{ст}} l_{\text{ст}} k_{\text{ст}} \gamma_{\text{ст}} = 0,0175 \cdot 0,0066 \cdot 36 \cdot 0,115 \cdot 0,97 \cdot 7800 = 3,58 \text{ кг}$$

бунда  $\gamma_{\text{ст}} = 7800$  кг/м<sup>3</sup> - пулатнинг солиштирма массаси.

75. Ротор сирти юзасидаги исрофлар яъни сиртий исрофлар

$$P_{\text{сирт}} = \rho_0 (t_{\text{с}} - b_{\text{н}}) Z_{\text{р}} l_{\text{с}} = 296,4 \cdot 13,3 \cdot 34 \cdot 0,115 = 15,4 \text{ Вт.}$$

бунда  $h_{\text{н}} = 0$ :

$$P_{\text{сирт2}} = 0,5 k_{\text{сирт2}} (Z_{\text{р}} n_1 10000)^2 (B_{\text{сирт2}} t_{\text{с}} 10^3)^2 = 0,5 \cdot 1,5 \times$$

$$\times (36 \cdot 1500 / 10000)^2 \cdot (0,444 \cdot 12,6)^2 = 296,39 \text{ Вт/м}^2, \text{ бунда ҳаво оралиғидаги}$$

пульсанувчи магнит индукцияси амплитудаси:

$$B_{\text{сирт}} = \beta_{\text{сирт}} k_{\text{в}} B_{\text{в}} = 0,4 \cdot 1,226 \cdot 0,905 = 0,444 \text{ Тл;}$$

$k_{\text{сирт2}} = 1,5$ ;  $h_{\text{н}} / \delta = 3,5 / 0,35 = 10$  учун 1-11-расмдан  $\beta_{\text{сирт2}} = 0,4$ .

76. Ротор тишларидати пульсанувчи майдон туфайли вужудга келадиган исрофлар:

$$P_{\text{инт2}} = 0,11 (Z_{\text{р}} B_{\text{инт2}} n 1000)^2 m_{\text{ст}} = 0,11 \cdot (36 \cdot 1500$$


$$\cdot 0,158 / 1000)^2 \cdot 4,26 = 33,9 \text{ Вт.}$$

бунда, тишнинг ўрта кесимидаги индукция:

$$B_{\text{инт2}} = \gamma_{\text{ст}} \delta B_{\text{ст}} / (2 t_{\text{ст}}) = 6,67 \cdot 0,35 \cdot 1,8 / (2 \cdot 13,3 \cdot 10^{-3}) = 0,158 \text{ Тл.}$$

Ротор ўзағидаги тишлар массаси:

$$m_{z2} = Z_2 h_{k2} b_{z2} \rho_{\text{спр}} / \eta_{\text{спр}} k_r \gamma_{\text{пл}} = 34 \cdot 20,9 \cdot 6,9 \cdot 0,115 \cdot 0,97 \cdot 7800 = 426 \text{ кг.}$$



1.11-расм. Сиртий  
исрофларни ҳисоблаш  
учун  $\beta_{\text{спр}2} = f(b_{\text{сп}}/\delta)$   
боғлиқлиги

77. Пўлатдаги қўшимча исрофлар йиғиндиси:

$$P'_{\text{қўшим}} = P'_{\text{спр}2} + P'_{\text{спр}1} = 15,4 + 33,9 = 49,3 \text{ Вт.}$$

78. Пўлатдаги тўла исрофлар:

$$P'_{\text{спр}} = P'_{\text{қўшим}} + P'_{\text{спр}2} = 170,9 + 49,3 = 220,2 \text{ Вт.}$$

79. Механик исрофлар:

$$P'_{\text{мех}} = K_r (n/10)^2 D_a^4 = 1,01 \cdot (1500/10)^2 \cdot 0,225^4 = 58,1 \text{ Вт.}$$

$D_a \leq 0,25 \text{ м}$  ва  $2p=2$  бўлганда  $K_r=1$ , агар  $2p \geq 4$  бўлса,  $K_r=1,3(1-D_a)=1,3(1-0,225)=1,01$ .

80. Номинал режимдаги қўшимча исрофлар:

$$P'_{\text{қўшим}} = 0,005 P_{1N} = 0,005 P_{1N} / \eta = 0,005 \cdot 7500 / 0,875 = 42,9 \text{ Вт.}$$

81. Моторнинг салт ишлаш токи:

$$I_0 \approx \sqrt{I_{0a}^2 + I_{0\mu}^2} = \sqrt{0,51^2 + 5,07^2} = 5,09 \text{ А.}$$

бунда салт ишлаш режимдаги токнинг актив ташкил этувчиси:

$$I_{0a} = \frac{P'_{\text{қўшим}} + P'_{\text{мех}} + P'_{\text{спр}2}}{m U_{1N}} = \frac{220,2 + 58,1 + 58,1}{3 \cdot 220} = 0,51 \text{ А,}$$

бунда  $P'_{\text{спр}2}$  - салт ишлаш режимда статор чулғамидаги электр исрофлари:

$$P'_{\text{спр}2} \approx 3 I_{0\mu}^2 r_1 = 3 \cdot 5,07^2 \cdot 0,75 = 58,1 \text{ Вт.}$$

82. Салт ишлаш режимдаги қувват коэффиценти:

$$\cos \varphi_0 = I_{0a} / I_0 = 0,51 / 5,09 = 0,1.$$

### 1.8. Қисқа туташган роторли асинхрон моторнинг иш характеристикаларини ҳисоблаш

Уч фазали қисқа туташган роторли асинхрон моторнинг иш характеристикалари деб, мотор истеъмол қиладиган қувват  $P_1$ , статор токи  $I_1$ , қувват коэффициентлари  $\cos\varphi$ , ФИК  $\eta$ , мотор сирпаниши  $s$  ларнинг мотор валидаги  $P_2$  қувватга боғлиқлиги, яъни  $P_1, I_1, \cos\varphi, \eta, s=f(P_2)$  га айтилади. Иш характеристикаларини доиравий диаграмма асосида ҳисоблаш осонроқ бўлсада, аниқлик даражаси юқори эмас. Аналитик услуб эса универсал бўлиб, сирпанишнинг исталган қийматида санаб ўтилган кўрсаткичларнинг ўзгаришини ҳисоблаш имконини беради ва ЭХМ нинг хотирасига дастур кўринишида киргиши мумкин. Иш характеристикаларни ҳисоблашда сирпаниш мустақил ўзгарувчан қиймат этиб қабул этилади ва унинг  $s=(0,2-1,5)s_N$  ораликдаги қийматлари учун  $P_1, I_1, \cos\varphi, \eta, M, I_2, P_2$  лар ҳисобланади. Бу ерда  $s_N=r'_2$ , яъни ротор чулгамини статорга келтирилган актив қаршилигини нисбий қийматига тенг деб, иш характеристикалари  $s=0,005; 0,01; 0,015; 0,02; 0,025; 0,03; s_N=r'_2$ , қийматлар учун ҳисобланади. Шу нукталар ҳисобланиб график чизилгандан сўнг,  $s_N$  қиймати характеристикалардан аниқланади.

Ҳисоблашларда керак бўладиган қаршилиқлар:

$$83. r_{12} \approx \frac{P'_{\text{увт.к.}}}{mI_m^2} = \frac{170,9}{3 \cdot 5,07^2} = 2,22 \text{ Ом,}$$

$$84. x_{12} \approx (U_{1N} I_m) - x_1 = (220/5,07) - 1,123 = 42,3 \text{ Ом.}$$

$$85. \text{Кoeffициент } c_1 = 1 + \frac{x_1}{x_{12}} = 1 + 1,123/42,3 = 1,027.$$

86. Салт ишлаш режимидаги токнинг актив ташкил этувчиси:

$$I_{0.a} = \frac{P_{\text{увт.к.}} + 3I_m^2 r_1}{3 \cdot U_{1N}} = \frac{170,9 + 3 \cdot 5,07^2 \cdot 0,753}{3 \cdot 220} = 0,35 \text{ А.}$$

87. Иш характеристикаларини ҳисоблашларда керак бўладиган коэффицентлар:

$$a' = c_1^2 = 1,027^2 = 1,054; \quad b' = 0; \quad a = c_1 r_1 = 1,027 \cdot 0,753 = 0,773;$$

$$b = c_1(x_1 + c_1 x_1^2) = 1,027(1,123 + 1,027 \cdot 1,442) = 2,67.$$

88. Сирпаниш ўзгарганда ҳам ўзгармай қоладиган қувват исрофлари:

$$P'_{\text{н}} + P'_{\text{мех}} = 220,2 + 58,1 = 278,3 \text{ Вт} \approx 0,278 \text{ кВт.}$$

Қиска туташган роторли асинхрон моторнинг иш характеристикаси ҳисобини осонлаштириш учун ЭХМга «Бейсик» тилида дастур тузамиз. Бунинг учун 1.8-жадвалга киритилган катталикларни математик моделлаймиз.

1.8-жадвал.

№	Математик моделнинг кўриниши	«Бейсик» алгоритмик тилида кўриниши (идентификатори)
I	II	III
1	$a' r_2 / s$	A
2	$b' r_2 / s$	B
3	$R = a + a' r_2 / s$	$R = A2 + A$
4	$X = b + b' r_2 / s$	$X = B4 + B$
5	$Z = \sqrt{R^2 + X^2}$	$Z = \text{SQR}(R^2 + X^2)$
6	$I_2 = U_{\text{IN}} / Z$	$I2 = U1 / Z$
7	$\cos \varphi_2 = R / Z$	$K = R / Z$
8	$\sin \varphi_2 = X / Z$	$S1 = X / Z$
9	$I_{1a} = I_{0a} + I_2 \cos \varphi_2$	$I = I3 + (I2 * K)$
10	$I_{1p} = I_{0p} + I_2 \sin \varphi_2$	$I4 = I5 + (I2 * S1)$
11	$I_1 = \sqrt{I_{1a}^2 + I_{1p}^2}$	$I1 = \text{SQR}(I^2 + I4^2)$
12	$I_2' = c, I_2'$	$I6 = C1 * I2$
13	$P_1 = 3 U_{\text{IN}} I_{1a} 10^{-3}$	$P1 = 3 * U1N * I^2 * 10^{(-3)}$
14	$P_{21} = 3 I_1^2 r_1 10^{-3}$	$P = 3 * I1^2 * R1 * 10^{(-3)}$
15	$P_{22} = 3 (I_2')^2 r_2 10^{-3}$	$P3 = 3 * I6^2 * R2 * 10^{(-3)}$
16	$P'_{\text{кув}} = P_{\text{кув.н}} (I_1 / I_{1N})^2$	$P4 = P5 * (I1 / I1N)^2$
17	$\Sigma P' = P'_{\text{н}} + P'_{\text{мех}} + P_{21} + P_{22} +$	$SP = P7 + P + P3 + P4$

	$P_{\text{кўш}}$	
18	$P_2 = P_1 - \Sigma P'$	$P2 = P1 - SP$
19	$\eta = 1 - \Sigma P' / P_1$	$KP = 1 - (SP / P1)$
20	$\cos \varphi = I_{1\omega} / I_1$	$KF = I / I1$

1.8-жадвалда берилган катталикларни «Бейсик» алгоритмик тилида тасурлаш учун қуйидаги шартли белгилашлар киритилган:

1.9-жадвал

Тенгламадаги кўриниши	Дастурдаги кўриниши	Тенгламадаги кўриниши	Дастурдаги кўриниши
I	II	III	IV
s	S	I <sub>1</sub>	II
R	R	U <sub>1N</sub>	U1N
X	X	I <sub>2</sub>	I6
Z	Z	c <sub>1</sub>	C1
a'	A1	P <sub>1</sub>	P1
b'	B1	P' <sub>а1</sub>	P
r <sub>2</sub>	R2	P <sub>а2</sub>	P3
a	A2	r <sub>1</sub>	R1
b	B4	P' <sub>кўш</sub>	P4
I <sub>2</sub>	I2	P' <sub>кўш.N</sub>	P5
cosφ <sub>2</sub> '	K	I <sub>1N</sub>	I1N
sinφ <sub>2</sub> '	S1	ΣP'	SP
I <sub>1ω</sub>	I	P' <sub>пул</sub> + P' <sub>мех</sub>	P7
I <sub>1р</sub>	I4	P <sub>2</sub>	P2
I <sub>0,ω</sub>	I3	η	KP
I <sub>0,р</sub>	IM	cosφ	KF

Киска туташган роторли асинхрон моторнинг иш  
характеристикаларини ҳисоблаш математик моделининг «Бейсик» тилидаги  
дастури:

